Куч — адолатда

2015 йил
5 июнь,
жума
№ 22 (535)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Кўзларингиз қаромиди, қошларингиз камонмиди?!

Ўзбек ўғил-қизларининг қадди-қомати, ҳуснию чиройи илгаригидан бутунлай фарқ қилаётганига эътибор берганмисиз? Мустақиллик халқимизга эркинлик билан бирга ҳақиқий ўзбекона чиройни, қора кўзу камон қошларни ҳам қайтиб берган-дай. Фарзандларимизнинг бўйи бастига, айниқса, қизларимизнинг ҳуснига қараб қувонаман. Ва беихтиёр ўтган асрнинг 80-йиллари қиз-жувонлари кўз олдимга келади.

Холаларим, аммаларим, янгаларим... Мушфиқ қишлоқ аёллари. Улардан қора кўзларни, камон қошларни, сарв қоматларни



САДАҒАНГ БЎЛАЙ, МУСТАҚИЛЛИК

қидириш беҳуда эди. Чунки оғир турмуш шароити ўзбек аёли гўзаллиги-ю саломатлигининг кушандасига айланганди.

Ўзбек хотин-қизлари дунёдаги энг сабрли, энг меҳнаткаш, хокисор аёл, десам адашмайман. У рўзғорининг файзу баракоти, фарзандларининг соғлиғию бахти учун ўз соғлиғидан, қадр-қимматидан кечади, халқ ибораси билан айтганда "сув келса симиради, тош келса кемиради". Унинг иродасини синдириш, ҳаёт қийинчиликларига таслим қилиш осон эмас. Афсуски, ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек аёллари орасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари учрар эди. Нега? Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган аёлга нима ситам ўтдики, ўзига бу даҳшатли қисматни раво кўрди? Наҳотки, уларнинг кўзига ортидан чирқираб қолаётган фарзандлари кўринмаган бўлса?

Мустабид тузум даврида қишлоқ аёллари йилнинг тўрт фаслида далада ишлашга мажбур эди. Чунки 6 миллион тонналик пахтанинг залворли юки уларнинг ҳам нозик елкасини эзган эди. Пахта далаларидаги тинкани қуритувчи меҳнатдан сўнг уйдаги сигир-бузоғига ўт ўриб, тандир-ўчоғи учун ўтин йиғиб, елкасида кўтариб қайтарди.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Электрон тижорат соҳаси

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг жорий йилнинг 15-16 май кунлари бўлиб ўтган иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган бир қатор қонунлар маъқулланди. Шулардан бири "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонундир.

Мазкур қонунга асосан, "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди. Ушбу қонун 2015 йилнинг 23 май куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу қонун Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлиги асосида ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғриида"ги қонун 20 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади — электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборатдир.

Айтиш керакки, янги таҳрирдаги ушбу қонуннинг 3-моддасида "электрон тижорат" тушунчасига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси, деб таъриф берилган бўлиб, унинг асосий принциплари электрон тижоратда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги; шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги; иштирок этиш шарт-шароитларининг тенглиги; иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишидан иборатдир.

(Давоми учинчи бетда)

Anjuman

Ҳуқуқшунослар малакасини ошириш йўлидаги ҳамкорлик

Пойтахтимизда "Суд кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ҳамда АҚШ Федерал суд маркази, "Минтақавий мулоқот" (Словения) халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, олий юридик таълим ва илмий муассасалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, халқаро экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори А.Ғафуров ва бошқалар мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими яратилганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ амалга оширилган ислоҳотлар самарасида суд ҳокимияти ҳар томонлама мустаҳкамланиб бормоқда.

Демократия ривожи, ислоҳотлар самараси ва жамият равнақи кўп жиҳатдан суд тизими ходимларининг билим ва малакасига ҳам боғлиқ. Мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни кучайтириш, ҳуқуқшуносларнинг малакасини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2013 йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистонда бу борада эришилган ижобий натижалар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда миллий тажрибани ҳар томонлама таҳлил қилиш, судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини оширишга доир хорижий амалиёт ва соҳага халқаро стандартларни татбиқ этишга долзарб вазифа сифатида қаралмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Saboq

Солиқлар – барқарор иқтисодий тараққиёт гарови

Мустақиллик йилларида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун берилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини изчил таъминлаётир.

Маълумки, солиқлар бюджетга тушадиган пул ва қонун асосида белгиланган мажбурий муносабатлардир. У замонавий давлатчилик ва юксак тараққиёт, дунёвий цивилизациянинг муҳим белгиси, ижтимоий адолатга эришишнинг зарурий шарти ва механизмига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни мунтазам равишда тартибга солиб бориш учун давлат молиявий ресурсларини шакллантириш асосан солиқлар орқали амалга оширилади. Давлатимиз раҳбари "Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади", деб бежиз қайд этмаган.

Бугунги кунда давлатимизнинг солиқ сиёсатини изчил амалга ошириш, тўлақонли фаолият юритишга қодир бўлган, давлат ва жамиятнинг талаб ҳамда мақсадларига жавоб берадиган, барча шароитларга эга самарали солиқ тизими шаклланиб, босқичма-босқич ислоҳотлар жараёнида муттасил такомиллашмоқда. Ўтган йиллар мобайнида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини янада кенгайтириш борасида жуда муҳим тадбирлар амалга оширилгани бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаган Ўзбекистон ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар асосини Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" замиридаги машҳур беш тамойил ташкил этади.

Istiqlol imkoniyatlari

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими

Бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинадиган, юртдошларимиз салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли, адолатли ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор йўналиш этиб белгиланган.

"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш учун Конституциямиз асосида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган, фуқаролик жамияти институтларининг эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган, 250 дан ортиқ қонун ҳужжатини мужассам этган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Кейинги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тубдан соддалаштирди. Натижада бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 8 минг 100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, 2008 йил 3 июлда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг қўшма қарори билан Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилгани фуқаролик жамияти ривожида муҳим аҳамият касб этди. Комиссия таркибига сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирликларнинг экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари киритилди.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг изчил ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки шу асосда кейинги йилларда "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Айниқса, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги қонун фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини янада кучайтиришга ҳуқуқий асос яратди.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Фермер хўжалигимдаги тракторларни таъмирлаш юзасидан бир фирма билан шартнома тузган эдим. Аммо фирма раҳбари шартномада белгиланган муддатда шартнома шартларини бажармай келмоқда. Унинг бу хатти-ҳаракатлари тўғрими?

Ж.МАМБЕТНИЯЗОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни қайд этиш керакки, қонун талабига кўра, шартнома имзоланган пайтидан кучга киради ва тарафлар учун мажбурий аҳамият касб этади. Демак, ҳар икки томон учун шартнома шартларини бажариш шарт бўлади.

Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

Қайд қилинган қонун нормасига кўра, Сиз ушбу масала юзасидан судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Мен эрим билан қонунда белгиланган тартибда никоҳдан ўтмасдан ўн икки йил давомида умумий рўзғор юритиб яшаб келдим. Шу вақт мобайнида уй сотиб олдик ва биргаликда қўшимча иморат ҳам қурдик. Аммо икки йилдан буён бирга яшамаймиз. Айтинг-чи, бундай вазиятда уйдан улуш ажратиш қандай тарзда амалга оширилади?

Ч.ЭРКИНОВА,

Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани

— Маълумки, Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 20-бандида, никоҳни ФҲДЁ органларида қайд этмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкий низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилиши белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 225-моддасига мувофиқ, агар биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасидаги келишув билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар умумий мулкка биргалашиб эгалик қиладилар ва ундан фойдаланадилар.

Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади.

Биргаликдаги мулкнинг ҳар бир иштирокчиси, агар барча иштирокчиларнинг келишувидан бошқача тартиб англашилмаса, умумий мол-мулкни тасарруф этиш хусусида битимлар тузишга ҳақли. Биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бири тузган умумий мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битим уни тузган иштирокчининг зарур ваколатлари йўқлиги сабабли, битимдаги иккинчи тараф буни билган ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган тақдирдагина қолган иштирокчиларнинг талабига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 226-моддасига асосан, умумий мол-мулкни биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасида тақсимлаш, шунингдек, улардан бирининг улушини ажратиш дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улуши аниқланганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Умумий мулк тақсимланганида ва ундан улуш ажратилганида, агар қонунда ёки иштирокчиларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг улушлари тенг ҳисобланади.

Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда нотариал ҳаракатни бажаришни тўхтатиб туриш муддати белгиланганми?

Р.УМИРОВ,

Самарқанд вилояти, Нарпай тумани

— Маълумки, **"Нотариат тўғрисида"**ги қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, нотариал ҳаракатлар ҳақ тўлангандан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганида кечиктирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда, кечиктирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра, унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақидаги қарор берилади.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашиш учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра, нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин. Агар бу муддат ичида ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлгунига қадар тўхтатиб турилади.

Мен улгуржи савдо билан шуғулланишга ихтисослашган фирма раҳбариман. Яқинда чинни буюмлар ишлаб чиқарувчи корхона билан маҳсулот етказиб бериш шартномасини имзолагандик. Ишлаб чиқарувчи дастлабки маҳсулотларни етказиб бергач, чинни маҳсулотлари жойлашган мосламаларни қайтариб беришни талаб қилмоқда. Айтинг-чи, унинг бу талаби ўринлими?

Н.ЖУМАНОВ,

Жиззах вилояти, Зомин тумани

— Фуқаролик кодексининг 414-моддасига кўра, олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотувчи сотиб олувчига товарни идишда ёки ўралган ҳолда топшириши шарт.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сотиб олувчи товар келтирилган кўп марта ишлатиладиган идиш ва ўраш материалларини етказиб берувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қайтариши шарт.

Саволларга Олий суд судьяси Рахат ИСМАЙЛОВ жавоб берди.

Ким эдигу ким бўлдик!

САДАҒАНГ БЎЛАЙ, МУСТАҚИЛЛИК

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шундан сўнг уй-рўзғор, бола-чақа ташвишига тоқат қилишга мажбур эди.

Ёғин-сочинли, изғирин кунларда тиззасигача лойга кечиб пахта терса-да, меҳнатининг роҳатини кўрмас, борига қаноат қилишар эди. Бўзчи белбоққа ёлчимас деганларидек, пахтакор пахтага ёлчимаган. Уни етиштирган деҳқон қисмати ҳеч кимни қизиқтирмас, пахта етиштирган аёлларнинг шу пахтадан тикилган кийимни харид қилишга қурби етадими-йўқми — буни ҳеч ким ўйламасди. Шу ҳолда ўзбек аёллари не-не қийинчиликларга, очликка, зулмга, таҳқирга чидади, аммо ноҳақликка чидай олмади. Оддий орзулари ҳам ушалмагач, турмуш ситамлари, машаққатларидан тўйиб, жонига қасд қилганлар бўлди. Қишлоқлардаги хотин-қизлар зиммасига тушган ҳаддан ташқари оғирлик асаб чидамаслигига ва умидсизликка олиб келди.

Қишлоқдаги тенгдошим

Ўсмирлик даврим. Йилда бир марта — ёзги таътилда қишлоққа борардик. Чунки у пайтларда вилоятларга бориб-келиш осон эмасди. Ҳозиргидек тезюрар поездлар, вилоятлараро таксилар қатнови қаёқда дейсиз, ҳатто автобус қатнови тақчил эди. Қашқадарёнинг Чироқчисига бориш учун Тошкент-Китоб поездида 12 соат йўл юриларди. Биз болаларнинг диққинафас вагонларда сабримиз чидамас, ўзимизни гоҳ у деразага, гоҳ бу деразага урардик. Лекин йўл бўйида томоша қилишга арзигулик нарса учрамасди. Ўзимизни чалғитиш учун қиладиган бирдан-бир ишимиз йўл бўйлаб кетган симёғочларни санаш эди.

Офтоб тиғида қорайган, қотмадан келган, уст-боши юпун қишлоқ болалари бизга ҳайрат билан боқишар, шаҳарни гўё ўзга сайёрага, шаҳарликларни эса, коинотдан келган жонзотларга ўхшатишарди.

Биз тенги қизлар рўзғорнинг барча юмушларини қойиллатарди. Уларнинг хамир қориб, нон ёпиши, сигир соғиб, урчуқ йигиришини кузата туриб, ҳайратим ошарди. Оналари кунбўйи далада бўлгани сабабли фарзандлар уй-рўзғор юмушларини бажаришга мажбур бўлган. Турмуш машаққатлари болаларни ҳам эзиб қўйганди. Томорқага қараш, мол-ҳолдан хабар олиш, ука-сингилларига кўз-қулоқ бўлиш, бир неча чақирим наридан сув ташиб келиш...

Ота-оналар болаларини вақтида ювиб-таролмас, едириб-ичиролмас, вақтида ўқитиб, вақтида ухлатолмасди, бунга унинг имкони йўқ эди.

Оғир турмуш шароити, қашшоқлик, далаларда заҳарли химикатларнинг ҳуда-беҳуда қўлланилиши туфайли рак, ошқозон-ичак ва сариқ касалликлари, аёллар ва болаларнинг камқонлиги ва витамин етишмаслиги каби хасталиклар оқибатида аёллар ва болалар ўлими кўпайганди. Табиий иқлими жиҳатидан жаҳонда тенгсиз бўлган, дунёдаги энг ширин неъматлар — меваю сабзавотлар, шираси тилни ёрадиган қовун-тарвузлар етиштириладиган серқуёш Ўзбекистонда болалар камқонлик касалига учраса? Бу фалокат эмасмиди?

Маълумотларга кўра, ўша пайтларда Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт ва сут маҳсулотлари, тухумни бошқа республикалар аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилган. Жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган аҳоли қатлами 45 фоизни ташкил этган. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, 50 фоизи ичимлик суви билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланган, холос. Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий-иқлим шароитига эга бўлган республикамиз асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифоқда охирги ўринлардан бирига тушиб қолганди.

Ёруғ кунлар

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон аёллар масалаларини ҳал этиш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид катта тажрибага эга бўлди. Аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг юртимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ саксондан ортиқ ҳужжат қабул қилинди.

Бугун Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Фаол опа-сингилларимиздан 13 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти - Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Қизларимизнинг адабиёт, санъат, таълим ва маданият, спорт соҳасидаги ютуқларини рағбатлантириш мақсадида Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилди. Бугунги кунда бу мукофот билан тақдирланганлар сони 200 нафардан ошди.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб БМТнинг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги конвенциясига қўшилган.

Турли тармоқ ва соҳаларда аёллар улуши йилдан-йилга ортмоқда. Жумладан, Конституцион суд тизимида 20 фоиз, Олий суд тизимида 14,6, хўжалик судлари тизимида 15,8, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 42,8 фоиз, таълим, маданият ва илм-фанда 72,9, соғлиқни сақлаш тизимида 78 фоиз ходимларни аёллар ташкил этмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг 25 фоизини, фермер хўжаликларининг 2 фоизга яқинини аёллар бошқармоқда.

Аёл — аввало она. У саломат экан, фарзанди ҳам соғ бўлади. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунлариданоқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор масалалардан бири этиб белгиланди. Ўзбекистон қўшилган биринчи халқаро ҳужжатлардан бири 1992 йил 9 сентябрда Парламентимиз томонидан ратификация қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция бўлди. Бу "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Мамлакатимизда таъсис этилган илк орден "Соғлом авлод учун" ордени экани ҳам рамзий маънога эга.

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ҳомиладор аёллар саломатлигини тиклаш, улар учун умумий қувватлантирувчи поливитаминлар сотиб олишга давлат бюджетидан 8 миллиард сўм ажратилди.

Президентимиз 2010 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, айни пайтда юртимизда оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 бараварга камайди. Аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди.

Ўзбекистон жаҳондаги нуфузли ташкилот — "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро муассасаси томонидан тузилган дунё рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилди. Мамлакатимиз барча кўрсаткичлар бўйича рейтингда тўққизинчи ўринни эгаллади ва Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Ўзбекистонда бу кўрсаткич нафақат шаҳарлар, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади.

Сўнгги 10 йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева-сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул, деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан анча кўпдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли муассасаларнинг статистик маълумотлари ва ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида тузилган "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингида Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу рейтингда Ўзбекистондан юқори ўринларда ёки бир сафда қайд этилган давлатларнинг мустақил бўлганига 100-200 йилдан ошган. Мамлакатимиз бу даражага тарих олдида кўз очиб юмгунча бўлган вақтда - 23 йилда эришди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, ўтган йили 98 фоиз аҳоли ўзи ва оиласининг моддий ҳолати яхшиланганини билдирган. Турмуш даражаси ва сифати, халқ фаровонлиги юксалаётганини таъкидлаб, келажакка катта ишонч билан қарашини айтган.

Бу юртнинг оналари энди фарзандининг ҳарбий хизматга боришидан чўчимайди, балки ўғли Ватан ҳимояси учун хизмат қилаётганидан фахрланади.

Бу юртнинг аёли энди қишлоқда яшаётганидан нолимайди, балки шаҳар шароитидан қолишмайдиган замонавий уйларда яшаётганидан мамнун. Садағанг бўлай, мустақиллик, демоқда улар.

Бу юртнинг фарзандлари энди билимсиз, кўнгли ўксик эмас, улар бугун маданият, спорт, фан-техника соҳасида жаҳон ва халқаро мусобақалар совриндори, кўкси фахр, ғурур туйғулари билан тўла.

Бугун шу азиз Ватанда яшаётган опа-сингилларимизнинг, ҳар бир фуқаронинг тилаги битта: юртимиздаги тинчлик-осойишталикка, тараққиёт ва фаровонликка асло кўз тегмасин!

Гулшода АЗИМОВА,

ЎзА шарҳловчиси

Saboq

Солиқлар – барқарор

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кейинги йилларда соҳага доир қонунчиликка киритилган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар, шу билан бирга, Президентимизнинг 2014 йил 9 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги фармони ҳамда 2014 йил 4 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори асосида солиқ қонунчилигига, шунингдек, 2015 йилги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларига бир қатор ўзгартишлар киритилди.

Мисол учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкаси 2014 йилдаги солиқ ставкасига нисбатан 0,5 фоизга камайтирилди ва 8 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,5 фоиз қилиб белгиланди.

Микрофирма ва кичик корхоналар ҳисобланадиган қурилиш ташкилотлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 1 фоизга пасайтирилиб, 2014 йилдаги 6 фоиз ўрнига 5 фоизга туширилди.

Эътиборлиси шундаки, кейинги йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 15 фоиздан 6 фоизгача (айрим соҳалар бўйича 5 фоизгача) пасайтирилишига қарамасдан, ушбу солиқ тури бўйича бюджетга тушумлар миқдори барқарор ошиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби юртимизда кичик бизнес кенг ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотни яратишдаги салмоғи тубдан ошиб бораётганидир.

Юқоридаги ижобий омиллар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш таркибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида қабул қилинган муҳим ҳужжатларнинг амалда кенг татбиқ этилиши самаралари ҳисобланади.

Айтиш керакки, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат томонидан белгиланган солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириши, камайтириб кўрсатиши, шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан ўзга тарзда (жумладан, назорат-касса машиналарининг фискал хотираси хизмати дастурини ноқонуний ўзгартириш йўли билан) қасддан бўйин товлаши бюджет сиёсати барқарорлигига путур етказади.

Бундан ташқари солиқдан яширилган маблағлардан аксарият ҳолларда жамият манфаатларига зид равишда фойдаланилиши солиқ қонунчилиги соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилигини янада оширади.

Istiqlol imkoniyatlari

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жаҳон амалиётида биринчи бўлиб жамоатчилик назорати институти Ўзбекистоннинг Асосий қонунида мустаҳкамланди ва конституциявий мақомга эга бўлди. Конституциявий нормага кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши мумкин.

Муҳим ижтимоий аҳамиятга молик истиқболли лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида сўз борганда, аввалambор, мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни либераллаштириш жараёнларига яқиндан ёрдам бериш бўйича ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари самарали молиялаштирилаётганини қайд этиш жоиз. Бунда асосий эътибор одамлар манфаатларига хизмат қиладиган, уларнинг қизиқишларига мос лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Шу мақсадда 2008-2014 йиллар мобайнида жами 37,7 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу маблағлар давлат ижтимоий буюртмаси, гранти ва субсидияси шаклида тақсимланди. Ушбу маблағлар ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Тақсимланган маблағлар ҳажми 2010 йилга нисбатан таққосланганда 1,8 баробар ошди ва 2015 йилда бу кўрсаткич 2,2 баробарни ташкил қилиши кутилаётир.

Янада аниқ қилиб айтганда, жорий йилда давлат грантлари олиш учун жамоат фонди томонидан 5 танлов ташкил этилиб, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга 4,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Ажратилаётган маблағларнинг тақсимланишида нафақат миқдор, балки сифат ўзгаришлари ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Танлов асосида давлат грантлари шаклида ажратилган маблағларнинг умумий ҳажми давлат субсидиялари маблағлари умумий ҳажмидан ошди. Бу давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимидаги биринчи сифат ўзгаришидир.

Иккинчи сифат ўзгариши грант лойиҳалари улуши ва уларга ажратиладиган маблағ ҳажмининг изчил ўсгани ҳисобланади. Хусусан, 2014 йилда давлат грантларига ажратилган маблағ ҳажми 2008 йилдаги кўрсаткичлар билан таққосланганда, ўн баробарга ошган.

Шунингдек, давлат гранти ва ижтимоий буюртмаси шаклида хорижий ва халқаро ташкилотлардан қўшимча маблағ жалб қилиш амалиётга жорий қилингани яна бир муҳим қадамдир. Давлат гранти бериш учун ўтган давр да 29 маротаба танлов ўтказилди. Уларда уч мингдан зиёд ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиб, улар томонидан муҳим ижтимоий аҳамиятга молик 3 762 лойиҳа тақдим этилди.

Улар орасидан долзарб аҳамиятга эга бўлган мингдан зиёд лойиҳа учун 12 миллиард 406 миллион сўмдан ортиқ миқдорда давлат гранти ажратилди. Натижада ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшилмоқда.

Ажратилган ижтимоий буюртмалар доирасида давлат бошқаруви ва ижро органлари билан ижтимоий шерикликда жойларда тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ёш авлодга, жисмоний имконияти чекланган болаларга эътибор, ғамхўрлик, уларнинг оилаларига ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа турдаги кўмак кўрсатиш янада кучайтирилди.

Ёшларнинг инновацион ғоялари, касб билими ва маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун ижтимоий маслаҳат, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдамлар жорий этилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Табиийки, маблағларнинг мақсадли тақсимланиши ошкоралик, очиқлик ва холислик тамойиллари асосида амалга оширилади. Уларнинг мақсадли тасарруф этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Парламент комиссияси ва жамоат фонди томонидан тегишли тартибда тизимли ҳамда қатъий мониторинг олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, Парламент комиссияси томонидан маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. ННТ вакилларининг молиявий билими ва масъулиятини ошириш доимий эътиборда турибди.

Ушбу йўналишда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа ва дастурларни амалга оширишнинг самарадорлигини юксалтиришга, жойларда бу борада ижтимоий шерикликни кучайтиришга йўналтирилган ўнлаб тадбирлар ўтказилди.

Шу маънода Парламент комиссияси ва жамоат фонди орқали ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш тизимининг татбиқ этилиши давлат, бизнес тузилмалари ва ННТнинг ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватловчи ҳамкорлигини шакллантирди. ННТ салоҳиятининг тўлиқ очилишига имкон берадиган том маънодаги ижтимоий шериклик кучайди.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш учун қўллаб-қувватланаётган лойиҳалар, дастурларнинг натижаларини ягона тизимга солиш, уларни умумлаштириш ва якуний натижага эга бўлиш талаб этилади. Ушбу йўналишда айрим таҳлиллар мавжуд бўлса-да, ҳозирги амалиёт, таъбир жоиз бўлса, давр талаби ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларининг ҳуқуқий ва иқтисодий, молиявий ва ижтимоий билимларини оширишга йўналтирилган ишларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Шу боис соҳада лойиҳа ва дастурларни амалга оширишнинг механизм ва шаклларини белгилаш, муаммоларни таҳлил қилиш, уларни ҳал этиш, кутилаётган натижаларни прогноз қилиш, лойиҳаларнинг амалга оширилиши, бюджетнинг очиқлигини таъминлаш билан боғлиқ ишларни янада кучайтириш долзарб аҳамиятга молиқдир.

Жорий йилнинг 1 январидан "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун кучга киргани ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожида янги босқични бошлади, десак хато бўлмайди. Чунки янги қонун нормалари асосида ушбу институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ва ажратиладиган маблағлар ҳажми янада ошди.

Бу бизга янада катта масъулият юклайди ва фаолиятимизни изчил кенгайтириш, замон талаблари асосида иш самарадорлигини тубдан оширишимизни тақозо қилади. Ўз навбатида, Парламент комиссияси бу борада зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқди.

Энг муҳими, бугунги кунда "учинчи сектор" юртимиз ижтимоий ҳаётида сезиларли кучга айланиб улгурди. Улар ўзига хос тажриба тўплаб, ижтимоий шерикликнинг кучайишига замин яратмоқда, лойиҳа ва дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини янада юксалтирмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан тараққий этишига, Ватанимизнинг дунё ҳавас қиладиган даражада янада гуллаб-яшнашига, халқимизнинг ҳаёти бундан ҳам обод ва фаровон бўлишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва эришилаётган ютуқларда фуқаролик жамияти институтларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг сиёсий онги ва тафаккурини юксалтириш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, уларни ишга жойлаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларда фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бораётгани бунинг исботидир. Бунда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим яратилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси

Yangi qonun mohiyati

Электрон тижорат соҳаси

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қонунга биноан, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати ушбу соҳани ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиб, унинг асосий йўналишлари электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик соҳасига инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш; тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборотлар билан таъминлаш; электрон тижорат соҳасидаги илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликдан иборатдир.

Қонунда ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш Вазирлар Маҳкамаси ва у электрон тижорат соҳасида махсус ваколат берган давлат органи томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Хусусан, қонуннинг 7-моддасига кўра, Вазирлар Маҳкамаси электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш; бу соҳадаги давлат дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш; давлат органларининг электрон тижорат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда халқаро ҳамкорликни таъминлаш каби ваколатларга эгадир.

Ўз навбатида, махсус ваколатли давлат органига эса, ушбу соҳадаги давлат дастурларини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш; бошқа манфаатдор давлат органлари ва ўзга ташкилотлар билан биргаликда, ўз ваколатлари доирасида электрон тижорат соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш; соҳани ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриш; соҳа фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ва уларнинг ижросини таъминлашда иштирок этиш ҳамда бу борада тадқиқотлар ва мониторинг ташкил этиш каби ваколатлар берилди.

Албатта, бу борадаги муносабатларни тартибга солишда "электрон тижорат иштирокчиси" ва "ахборот воситачиси" муносиб ўрин эгаллаганлиги боис, қонунда уларнинг фаолиятига ҳам ойдинлик киритилди. Жумладан, қонуннинг 10-моддасига кўра, "электрон тижорат иштирокчиси" деганда, электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи ёки уларнинг харидори бўлган юридик ёки жисмоний шахс тушунилса, 12-моддасига кўра, "ахборот воситачиси" деганда, электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик шахс тушунилади.

Шунингдек, қонунда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, электрон тижоратдаги шартнома шартлари, шартномани тузиш ва бажариш тартиби, давлат харидлари ва корпоратив харидларни амалга ошириш ва шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш каби масалалар ҳам ўз ифодасини топди.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўриниб турибдики, янги таҳрирдаги қонуннинг мазмуни аввалгисига нисбатан бирмунча кенгайтирилиб, бир қатор янги моддалар қўшилган. Жумладан, қонуннинг аввалги таҳририда, электрон тижоратнинг асосий принциплари, электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати, электрон тижорат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, Ҳукумат ва Махсус ваколатли давлат органининг бу соҳадаги ваколатлари, электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг юридик кучи ва бошқа шу каби нормалар назарда тутилмаган эди. Янги таҳрирдаги қонунда эса, ушбу масалалар ўзининг ҳуқуқий ечимини топганлиги билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, янги таҳрирда қабул қилинган "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун электрон тўловлар тизимини янги босқичга кўтаришда, иккинчидан, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини юқори даражада рақамлаштиришда, савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар (транзакцион харажатлар)ни камайтиришда, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри тезкор равишда шартномавий муносабатларни ўрнатишда, халқаро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Зафар РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Anjuman

Ҳуқуқшунослар малакасини ошириш йўлидаги ҳамкорлик

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида юқори малакали кадрлар тайёрланаётгани ҳуқуқий ишлар сифати ва тезкорлигини ошириш, одил судловни таъминлаш имконини бермоқда. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, масофавий таълим олишнинг илғор усулларини қўллашга қаратилган дастурлар бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

Анжуманда мамлакатимизда ҳуқуқшунослар тайёрлашнинг яхлит тизими барпо этилгани, юридик таълим ва ҳуқуқшунослик фанини ўқитишни янада такомиллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган суд кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш борасидаги ишлар катта самара бераётгани қайд этилди.

Ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг алоҳида ўрни бор. Бу ерда ҳар йили суд-ҳуқуқ тизимининг икки мингдан зиёд мутахассиси билим ва кўникмасини оширмоқда. Марказда ўқув машғулотларини олиб бориш учун ихтисослашган аудиториялар, компьютер ва тест хоналари, суд зали, кутубхона ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази мавжуд бўлиб, улар барча замонавий ўқув-услубий воситалар, электрон технологиялар билан жиҳозланган.

Марказда назарий машғулотлар амалиёт билан узвий боғлангани тингловчиларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили билан мунтазам таништириб бориш, суд кадрларининг касб маҳоратини ошириш ва мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Юристлар малакасини ошириш маркази билан АҚШ Федерал суд маркази ўртасида изчил ҳамкорлик алоқалари ва ўзаро фаол тажриба алмашинуви йўлга қўйилган.

АҚШ Федерал суд маркази директори Жереми Фогель Америкада судьяликка тайинлаш амалиёти, судьяларни тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар хусусида сўзлади. Ўқув жараёнида судьяларни масофавий ўқитиш ва бунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга доир масалаларга эътиборни қаратди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг кўламли ислоҳотлар самараларига юксак баҳо берди. Юристлар малакасини ошириш марказида суд кадрларини тайёрлаш амалиёти яхши йўлга қўйилгани, бу Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг янада ривожланишида ва унинг мустақиллигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг суд кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими менда катта таассурот қолдирди, — деди Ж.Фогель. — Судьяликка тайинланадиган шахсларнинг муайян тартибда ўқиши ва стажировка ўташи шартлиги соҳага ҳар томонлама етук кадрларни, муайян иш тажрибасига эга шахсларни жалб этиш имконини бермоқда. Бу суд ишлари самарадорлигини ошириш, энг муҳими, инсон ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ масалаларни адолатли ҳал этишга замин яратмоқда. Ўзбекистонда судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Бу ишларни кўриб чиқиш муддатини қисқартириб, фуқароларнинг вақти, маблағи тежалиши, ҳуқуқлари ўз вақтида тикланишига ёрдам бермоқда. Биз Ўзбекистон билан бу борада фаол ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

Халқаро анжуманда мазкур йўналишда тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, суд ишларига ахборот-коммуникация технологияларини, хусусан, "онлайн" малака ошириш курсларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

иқтисодий тараққиёт гарови

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Н.Хуррамов Шаҳрисабз туманидаги "Kesh suv minorasi" шуъба корхонаси раҳбари лавозимида фаолият юритиб, масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда, мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ва корхонанинг бош ҳисобчиси Ғ.Ботиров билан ўзаро жиноий тил бириктирган.

Ҳамтовоқлар сув ҳажми ҳисоботида сув насослари русумини ўзгартириб ва нормалар бўйича ишлаб чиқарилган сув ҳажмини турли йўллар билан камайтириб кўрсатиб, Солиқ кодексининг 114-моддаси талабларини бузган ҳолда, реализация қилишдан тушган маблағ миқдорини ҳисобга олиш регистрларида акс эттирмасдан, 2013 йил давомида ва 2014 йилнинг 1-чорагида жами 59 818 600 сўмлик, яъни жуда кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Бундан ташқари Н.Хуррамов ва Ғ.Ботиров иш фаолияти давомида амалдаги қонун талабларини бузган ҳолда корхонанинг иқтисодий имкониятини яхшилаш чораларини кўрмаган, қолаверса, шартнома ва тўлов интизомига мутлақо риоя этмаган. Бунинг оқибатида корхонада 2014 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 701 950 000 сўмлик дебитор қарзларнинг қонунчиликда белгиланган 90 кунлик тўлов муддати ўтишига йўл қўйилган.

Натижада корхона ишчи-хизматчиларига 93 209 200 сўмлик иш ҳақи вақтида тўланмаган.

Бу қилмишлари учун Н.Хуррамов ва Ғ.Ботиров жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 208-моддасида кўрсатилган жиноятларни қасддан содир қилганликда айбдор деб топилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум қилинди. Шунингдек, уларга энг кам ойлик иш ҳақининг 110 баравари миқдорида, яъни 10 571 550 сўм жарима жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар бир шахс тўлаган солиғи давлат бюджети орқали қайта тақсимланиб, ёш авлодни вояга етказиш, фарзандларимизга таълим-тарбия бериш, моддий ёрдамга муҳтож оилалар ва аҳолининг алоҳида ижтимоий тоифаларини қўллаб-қувватлаш, давлатимиз ва жамиятимиз, бутун халқимизнинг тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш, мудофаа, хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот соҳалари, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спортни доимий равишда ривожлантириш мақсадларига сарфланишини чуқур англаб етиши лозим.

Бинобарин, фуқаролар ўзларининг ана шу конституциявий бурчини етарлича англашига ва ҳар бир солиқ тўловчининг солиқ маданиятини тўла шакллантиришга эришиш умумдавлат ва умумжамият аҳамиятига молик масаладир.

Абдуқаюм МАҲКАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

Qonun ko`magi

Юридик фактларни белгилаш

фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади

Мамлакатимизда фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократия, ижтимоий адолат, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Албатта, бу жараёнда юридик фактларни белгилаш институти ҳам алоҳида эътиборга молик. Айтиш жоизки, фуқаролар ва ташкилотларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига сабаб бўладиган юридик фактлар суд томонидан белгиланади. Чунончи, қариндошлик алоқалари, бахтсиз ҳодисалар, иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш каби фактларнинг суд томонидан белгилаб берилиши фуқаролар ҳаётида ижобий ўзгаришлар ясабгина қолмай, қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЭЪЛОН!

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар ДИҚҚАТИГА

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига қуйидаги талаблар асосида ҳужжат топширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига тайёргарлик кўрган, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисослиги бўйича иш стажи камида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киритилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 4-бўлимига мувофиқ бошқа судьялик лавозимларига номзодини кўрсатиш истагини билдирган шахслар Комиссияга бевосита ёки Умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака ҳайъати орқали ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимида 2015 йилнинг 2 июнь ҳолатига кўра, қуйидаги вакант судьялик лавозимлари мавжуд:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, 1 нафар раис ўринбосари ва 4 нафар судьялик лавозимлари.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 5 нафар судьялик, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 2 нафар раислик лавозимлари.

Қорақалпоғистон Республикаси:

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 1 нафар судьялик лавозими.

Андижон вилояти:

жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти туман (шаҳар) судларининг 3 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 4 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари.

Бухоро вилояти:

фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг раиси, 4 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 4 нафар раислик лавозимлари.

Жиззах вилояти:

фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг 3 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари.

Қашқадарё вилояти:

фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг раиси, 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари.

Навоий вилояти:

жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 1 нафар судьялик ва туманлараро судининг 1 нафар раислик лавозимлари.

Наманган вилояти:

жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти туманлараро судларининг 1 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари.

Самарқанд вилояти:

жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 7 нафар судьялик лавозимлари.

Сирдарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 3 нафар раислик лавозимлари;

Сурхондарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари.

Фарғона вилояти:

жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 4 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари.

Хоразм вилояти:

жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти туман (шаҳар) судининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 3 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари.

Тошкент вилояти:

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 6 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 7 нафар раислик ва 9 нафар судьялик лавозимлари.

Тошкент шаҳри:

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туман судларининг 2 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 4 нафар судьялик, туманлараро судларининг 1 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари вакант.

Захирага киритиш тўғрисидаги аризага (таклифга) номзод томонидан шахсан тўлдирилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варағи ва таржимаи ҳол, фотосуратлар, паспорт нусхаси ва баҳолар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган нотариал тасдиқланган олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома, иш жойидан маълумот-тавсифнома, идора номидан тавсия, фикрномалар (камида учта) илова қилинади.

Судьялик лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари Судьялар малака ҳайъатига мурожаат этишлари мумкин.

G'aroyib olam

Одатда, саҳро деганда, кўз ўнгимизда бағридаги қумларни қутурган шамол тўзғитиб ўйнатадиган, қуёшнинг жазирама иссиғида сароблар мавжланадиган чек-чегарасиз кенгликлар гавдаланади. Бугунги кунда ер юзининг қарийб 30 фоизини ана шундай саҳролар ташкил этади.

Биз билган ва билмаган дунё

САҲРОЛАР СИРИ

Бу саҳролар ичида Саҳрои Кабир улкан ҳудудни эгаллагани билан биринчи ўринда туради. Яъни салкам тўққиз миллион бир юз минг квадрат километр ҳудудни қоплаган Саҳрои Кабир Атлантика уммонидан то Қизил денгизгача чўзилган бўлиб, у ўн битта давлат ҳудудини кесиб ўтади. Аслида Саҳрои Кабир илгари умуман бошқача манзара касб этган. Аниқроқ айтганда, бундан тахминан 800 минг йил муқаддам бу ҳудудда мунтазам равишда дарёлар оқиб турган. Фақат кейинчалик табиий иқлимнинг кескин ўзгариши натижасида дарёлар қуриб, бепоён саҳро пайдо бўлган.

Айтиш керакки, Саҳрои Кабир ўз бағрида саробларни пайдо қилиш бўйича ҳам дунёда биринчи ўринда туради. Шуниси эътиборлики, олимлар томонидан Саҳрои Кабирда сароблар пайдо бўладиган ҳудудлар харитаси ҳам яратилган.

Саҳрои Кабирга энг яқин жойлашган яна бир чўл — Арабистон чўли ҳисобланади.

Майдони қарийб 2,33 миллион квадрат километрни ташкил этувчи бу чўлнинг тенг ярми кимсасиз ҳудуд ҳисобланади. Шуниси ажабланарлики, бу ҳудудда кундуз куни қуёш тафтида бемалол тухум пиширириш мумкин бўлса, кечқурунлари эса, ўта совуқ ҳаво натижасида ҳатто ҳарсангтошлар ҳам ёрилиб кетади.

Айтиш керакки, Хитой ва Мўғулистон ҳудудини кесиб ўтадиган Гоби чўли эса, катталиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Аслида "Гоби" сўзи мўғул тилидан олинган бўлиб, "сувсиз ҳудуд" деган маънони англатади.

Аммо бунга қарамай, қарийб 1,3 миллион квадрат километр ҳудудни эгаллаган "Гоби" дунёдаги энг гўзал саҳролардан бири саналади. Чунки унинг чексиз бағрида баъзан адирликлар, қумтепалар, водий ва воҳаларни ҳам учратиш мумкин.

Африкадаги Калаҳари чўлининг ҳудуди 900 минг квадрат километрни ташкил қилиб, у Ботсвана, Жанубий Африка Республикаси, Ангола, Зимбабве, Замбия ва Намибия каби давлатлар ҳудудида ястаниб ётибди. Барбарлар қабиласи тилида "калаҳари" сўзи "азоб" деган маънони англатади.

Аслида ҳам саҳро бундай ном билан бежизга аталмайди. Чунки унинг қуёш тафтида нақд оловга айланган бағрида адашиб қолган йўловчи ҳеч шубҳасиз, чексиз азобларни бошидан кечиради.

Австралиядаги энг катта чўл "Виктория" деб аталади, унинг майдони 647 минг квадрат километрга тенг. "Виктория" чўлининг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг бағрида нафақат қум, балки тош билан қопланган ялангликларни ҳам учратиш мумкин. Бундан ташқари айнан "Виктория" чўлида дунёга машҳур қип-қизил қумтепаликлар қад ростлаб туради. Энг қизиғи шундаки, ушбу қумтепаларнинг баландлиги 40 метрдан ошади.

Дунёдаги энг қуруқ чўл Чилида жойлашган бўлиб, у "Атакама" деб номланади. Ажабланарли томони шундаки, бу ҳудудда ўсадиган ўсимликлар чўл иқлимига шу қадар мослашиб кетганки, ҳатто улар қурғоқчилик мавсумида ўсишдан вақтинча тўхташ хусусиятига ҳам эга.

Шимолий Американинг Нью-Мексика штатида эса, "Оқ қумлар" деб аталувчи саҳро мавжуд. Сан-Андреас ва Сакраменто тоғлари ўртасида жойлашган, 1000 квадрат километр ҳудудни эгаллаган ушбу саҳродаги қумларнинг оқ-ҳаворанг тусда эканлиги унинг таркибида оҳакли кукунларнинг кўплиги билан изоҳланади.

Табиатнинг мўъжизавий қудратини қаранг-ки, дунёда қум, тош билан қопланган саҳролар билан бирга тузли чўллар ҳам учрайди. Масалан, Африкада айнан туз билан қопланган кўз илғамас кенглик "Салар-де-Уюни номи билан аталади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Салар-де-Уюни"да туз ҳажми бир неча юз миллиард тоннани ташкил этади.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Qonun ko`magi

Юридик фактларни белгилаш

фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Фарғона шаҳрида яшовчи Карима Абдуҳакимова ва Абдулла Арзиевлар ўзларининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ёшга доир пенсия олиш мақсадида тегишли ҳужжатларни тайёрлаб, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Фарғона шаҳар бўлимига топширишди. Бироқ кутилмаганда улар тақдим этган ҳужжатларда айрим камчиликлар чиқиб қолди.

Масалан, Карима опа қонуний никоҳдан ўтганидан сўнг турмуш ўртоғининг фамилиясига ўтган ва унинг фамилияси Солиевадан Абдуҳакимовага ўзгартирилган. У 1979-1981 йилларда Фарғона туман "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли дўконда сотувчи бўлиб ишлаган. Табиийки, иш ҳақига оид ҳужжатларда унинг исм-фамилияси "Салиева К." тарзида қайд қилинган.

Жорий йилнинг февраль ойида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Фарғона шаҳар бўлими томонидан К.Абдуҳакимовага юборилган хатда юқоридаги иш стажи пенсия ҳисоблашда инобатга олинмаслиги маълум қилиниб, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 48-моддасига биноан судга мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилган. Негаки, Фарғона вилоят давлат архивининг 2015 йил 5 февралдаги иш ҳақига доир маълумотномаси Солиева К. номига берилган. Шу боис К.Абдуҳакимова фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига мурожаат қилиб, Фарғона туман "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик бирлашмаси томонидан 1979-1981 йилларда "Солиева К." номига ёзилган иш ҳақига оид маълумотнома Абдуҳакимова Карима Собировнага тегишли эканлиги фактини белгилашни сўради.

Шунингдек, Абдулла Арзиев 1975-1991 ва 1996-1997 йилларда Фарғона шаҳридаги "Кооператив тайёрлов бозор савдо бирлашмаси"да фаолият юритган. Бу ҳақда унинг меҳнат дафтарчасига қайд қилинган. Бироқ ўша даврда бирлашма томонидан иш ҳақига оид ҳужжатлар архивга топширилмаган. А.Арзиев 2014 йилнинг 6 декабрида 60 ёшга тўлгани боис ёшга доир пенсия тайинлашни сўраб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Фарғона шаҳар бўлимига мурожаат қилган. Бироқ бўлим томонидан ушбу йиллардаги иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатлар архивда сақланмагани сабабли инобатга олинмаган. Бу ҳақда 2015 йилнинг 24 мартида унга ёзма равишда хабар берилиб, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Ўз навбатида, А.Арзиев 1975-1991 ва 1996-1997 йилларда Фарғона шаҳар "Кооператив тайёрлов бозор савдо бирлашмаси"да фаолият юритгани ва иш ҳақи олгани фактини белгилашни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Суд мажлисида К.Абдуҳакимова ва А.Арзиев ўз даъво талабларини ўша пайтда бирга ишлаган ҳамкасбларининг кўрсатмаси билан ҳам исботлаб беришди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 283-моддасига кўра, фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкий ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўладиган фактларни суд аниқлайди. Қолаверса, суд шахснинг ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортидаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги фактини аниқлаш тўғрисидаги ишларни ҳам кўради.

Шунингдек, аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина суд бу фактларни аниқлайди.

Суд ана шу асосларга таянган ҳолда ҳар иккала даъво аризани қаноатлантириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса қилиб айтганда, юридик фактни белгилаш институтининг жорий этилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, турли англашилмовчиликлар юз берган тақдирда уларни қонуний ҳал этиш имконини бермоқда.

Равшан ҚАҲҲОРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч-адолатда" мухбири

Бу ҳаётда ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар инсонни улуғлаб, эл-юрт олдида унинг юзини ёруғ қилади. Бунинг акси бўлган — бировнинг ҳақига кўз олайтириш, ўғрилик каби иллатлар инсон шаънига доғ туширади. Афсуски, ҳаётда баъзан ушбу қимматнинг моҳиятини англаб етмайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

Jinoyat va jazo

Ўйламай босилган қадам

кишига афсус-надомат келтиради

Дўстининг уйидаги меҳмондорчиликдан маст ҳолда қайтаётган Отабек савдо дўкони олдида турган мотоциклга кўзи тушдию, бирдан хаёли бузилди. У улов эгаси дўконга кириб кетгани, атрофда ҳеч ким кўринмаётганига ишонч ҳосил қилгач, мотоциклни ўғирлаганча воқеа жойидан ғойиб бўлди. Мотоциклни уйига олиб келиб яшириб қўйди. Эртаси куни у уйидаги эски мотоциклнинг эҳтиёт қисмларини ўғирланган автоулов эҳтиёт қисмлари билан алмаштирди. Кейин эса, уни нотаниш кишига сотиб юборди.

Албатта, Отабек қилмиши ошкор бўлмагани, бунинг устига мўмайгина фойда кўрганидан ичичидан хурсанд эди.

Халқимиз ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб бежизга айтмаган. Отабек ҳам яна қинғир қилмишга қўл уриш ҳақида ўйлай бошлади. Орадан кўп ўтмай, у ўлжа излаб туман марказий шифохонасига йўл олди. У шифохонага бемор қариндошини кўргани келган нотаниш кишининг ичкарига кириб кетганлигидан фойдаланиб, унга тегишли бўлган велосипедини ўғирлаб кетди. Кейин эса, велосипедни бозорга олиб чиқиб, танишларидан бирига сотиб юборди.

Нопок қилмишнинг роса ҳадисини олган бу кимса яна жиноий ҳаракатини давом эттириб, ҳамқишлоғи Шаҳобиддин Жумаевнинг уйига ўғирликка тушади ва унинг қиммат нархдаги "Vakson WP-30" русумли сув насосини ўмариб кетади.

Буни қарангки, ўзгаларнинг мулкини ўзлаштиришдан ҳазар қилмаган О.Жовлиев анча пайт пана-пасқамларда бекиниб юрди. Чунки у вақт ўтиб, кирдикорлари унутилишидан умидвор эди. Бироқ унинг ўйлаганлари хомхаёл бўлиб чиқди. Ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан олиб борган суриштирув ишлари натижасида О.Жовлиевнинг жиноий қилмишлари фош этилди.

Суд ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, жабрланувчиларга етказилган зарар судланувчи томонидан тўлиқ қопланганлиги, О.Жовлиев қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Юқоридаги воқеадан келиб чиқадиган хулоса шуки, қонун устувор бўлган жамиятда ҳеч қандай жиноят жазосиз қолмайди. Қонунни четлаб ўтаман, деган устомонлар эса, О.Жовлиев каби юзшувут бўлиб қолади.

Муҳиддин МАЛИКОВ,
жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-622. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7145.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰